



РАҚАМЛАШТИРИШ ВА СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ АХБОРОТ-ТАҲЛИЛ ФАОЛИЯТИДАГИ МАЗМУН-МОҲИЯТИ.

Байрбеков Элбек Убайдуллаевич

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси магистратураси
Ташкилий-тактик бошқарув 2-гуруҳ тингловчиси
<https://doi.org/10.5281/zenodo.20341838>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 18-may 2026 yil
Ma'qullandi: 20-may 2026 yil
Nashr qilindi: 22-may 2026 yil

KEYWORDS

рақамлаштириш, сунъий интеллект, ахборот-таҳлил фаолияти, ички ишлар органлари, машинавий ўрганиш, прогностик таҳлил, Тошкент вилояти.

ABSTRACT

Мазкур мақолада ички ишлар органларида ахборот-таҳлил фаолиятини рақамлаштириш ва сунъий интеллект технологияларидан фойдаланиш тизимларини жорий этишнинг назарий асослари, аҳамияти ва ўзига хос хусусиятлари ёритиб берилган. Тошкент вилояти мисолида мазкур тизимларни амалиётга татбиқ этишнинг долзарблиги асослаб берилган. Тадқиқотда рақамлаштириш ва сунъий интеллект тушунчаларининг мазмун-моҳияти таҳлил қилинган, хорижий мамлакатлар тажрибаси кўриб чиқилган ҳамда амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Ички ишлар органларида ахборот-таҳлил фаолиятини рақамлаштириш ва сунъий интеллект технологияларидан фойдаланиш масаласига тўхталишдан олдин “рақамлаштириш” ва “сунъий интеллект” нима, улар қачон пайдо бўлган деган саволларга тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Бу тушунчаларнинг мазмун-моҳиятини тўлиқ очиб бермасдан туриб, уларнинг ички ишлар органлари фаолиятидаги аҳамияти ва амалий қўлланилиши ҳақида батафсил фикр мураккаб жараён ҳисобланади.

Маълумки, ахборот-таҳлил фаолияти деганда, муҳим ва оқилона хулосалар чиқариш учун фактлар ёки маълумотларни тартибга солиш, баҳолаш ҳамда талқин қилишнинг тизимли жараёнидир¹. Ушбу жараён муайян саволларга аниқ жавоб бериш, муаммоларни тўғри ҳал қилиш, қарор қабул қилишни осонлаштириш ва истиқболдаги режаларни белгилаб олиш мақсадида амалга оширилади. Бугунги кунда бу фаолият бизнес, молия, маркетинг, соғлиқни сақлаш, киберхавфсизлик, криминология ва илмий тадқиқотлар каби жуда кўплаб соҳаларда муваффақиятнинг асосий гарови бўлиб хизмат қилмоқда.

Ички ишлар органларининг асосий вазифаси ҳисобланган жамоат тартибини сақлаш, жиноятчиликка қарши курашиш ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини самарали ташкил этиш ҳам бевосита ахборот-таҳлил фаолиятининг қай даражада тизимли ва замонавий йўлга қўйилганлигига боғлиқ. Шу сабабли, тизимдаги улкан ҳажмдаги

¹ Исмаилов И., Мухамедов Д.С., Азизов Э.У. Ички ишлар органларида бошқарув ва ахборот-таҳлил фаолияти асослари: дарслик. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2019. – 561 б.

маълумотларни тезкор қайта ишлашда рақамлаштириш ва сунъий интеллект бугунги кунда оддий эҳтиёждан давр талабига айланиб улгурди.

Айтиш жоизки, ахборот-таҳлил фаолияти инсоният тарихи билан бирга ривожланиб келаётган қадимий соҳадир. Одамлар тўпланган билимларини ва маълумотларини тартибга солиш, уларни таҳлил қилиш ва улардан тўғри фойдаланиш зарурлигини қадим замонлардаёқ англаб етганлар. Жамият юксалиб, маълумотлар кўпайган сари бу эҳтиёж янада ортиб борган.

Масалан, қадимги Миср давлатида солиқлар, савдо-сотиқ ва деҳқончиликка оид маълумотларни тўплаш ва текширишга масъул бўлган махсус ходимлар (котиблар) фаолият юритган. Улар турли белгилар ва иероглифлардан фойдаланиб, муҳим маълумотларни қоғоз (папирус) ва тошларга ёзиб боришган. Бундан ташқари, Месопотамия, Қадимги Юнонистон ва Рим каби ривожланган давлатларда ёзувнинг ихтиро қилиниши ҳамда одамларнинг хат-саводли бўлиши ахборот билан ишлаш ва уни таҳлил қилиш санъатини янги босқичга олиб чиққан.

XX асрга келиб эса технологияларнинг шиддат билан ривожланиши ва ҳаётимизга компьютерларнинг кириб келиши ахборот-таҳлил соҳасида ҳақиқий тўнтаришни амалга оширди. Эндиликда инсон ақли соатлаб ёки кунлаб вақт сарфлайдиган улкан ҳажмдаги маълумотларни компьютерлар ёрдамида бир неча сонияда қайта ишлаш имконияти туғилди. Маълумотларни тезкор қидириб топиш, уларни математик ва статистик йўллар билан ҳисоблаб чиқиш ва келажакни прогноз қилиш усуллари оммалашди. Бу эса раҳбарлар ва масъул ходимларга энг тўғри қарорлар қабул қилиш имконини бермоқда. Айнан мана шу давр ички ишлар органларида ҳам ахборот-таҳлил фаолиятини тўлиқ “рақамлаштириш” учун мустақкам замин бўлиб хизмат қилди.

XX асрда компьютер технологиялари яратган ана шундай мустақкам пойдевор туфайли бугунги кунга келиб инсоният ҳаётида янгича бошқарув ва хизмат кўрсатиш тизими шаклланди. Бу тизим илм-фан ва қонунчиликда “рақамлаштириш” номи билан юритилмоқда.

Аслида, рақамлаштириш – бу анъанавий жараёнлар, ҳужжатлар ва маълумотларни рақамли шаклга ўтказиш ҳамда улардан рақамли технологиялар орқали фойдаланишни ташкил этиш жараёнидир².

Рақамлаштириш шунчаки маълумотларни электрон шаклга ўтказишдан иборат эмас у бутун бошли бошқарув тизимини, иш жараёнларини ва хизмат кўрсатиш усулларини тубдан ўзгартирадиган жараён ҳисобланади. Илмий адабиётларда рақамлаштиришнинг учта асосий босқичи фарқланади:

биринчи босқич (digitization): қоғоз ва бошқа шаклдаги аналог маълумотларни компьютер хотираси тушунадиган электрон кўринишга ўтказиш;

иккинчи босқич (digitalization): рақамли маълумотлардан фойдаланган ҳолда кундалик иш жараёнларини осонлаштириш ва такомиллаштириш;

учинчи босқич (digital transformation): бутун ташкилот ёки тизим фаолиятини рақамли технологиялар асосида янгидан қайта қуриш (рақамли ўзгариш).

² Эргашев Д. Бошқарув фаолияти самарадорлигини оширишда рақамли технологияларни қўллашнинг хориж тажрибаси // Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар: илмий электрон журнали. – 2021. – № 1. URL: <https://iqtisodiyot.tsue.uz/>

Ўзбекистон Республикасида рақамлаштириш соҳасидаги сиёсат давлат стратегик ҳужжатлари орқали мустақамланган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги “Рақамли Ўзбекистон — 2030 стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6079-сон Фармони³ давлат органлари, жумладан, ички ишлар органларида рақамлаштиришни жадаллаштиришни стратегик вазифа сифатида белгилаган. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони⁴ ҳам ушбу йўналишда аниқ мақсадларни белгилаб берган.

Давлат даражасида яратилган ана шундай мустақам ҳуқуқий асослар туфайли рақамлаштириш жараёни бугунги кунда ички ишлар органлари учун қатор янги амалий имкониятларни очиб бермоқда. Бунинг сабаби шундаки, соҳани рақамлаштириш нафақат қонуний зарурат, балки ишни тўғри ташкил этишнинг илмий асосланган йўли ҳамдир. Хусусан, Ш.И. Шариповнинг таъкидлашича, рақамли иқтисодиёт шароитида давлат органлари фаолиятини такомиллаштириш ахборотни тезкор йиғиш ва ишлаш, ходимлар зиммасидаги маъмурий (қоғозбозлик) юкни камайтириш ва қарор қабул қилишнинг аниқлигини ошириш орқали амалга оширилади⁵.

Мазкур фикрлардан ҳам кўришимиз мумкинки ички ишлар органлари соҳасида ахборот-таҳлил фаолияти долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Чунки ИИО ходимлари ҳар куни юзлаб ва минглаб турли хабарлар, фуқароларнинг аризалари, жиноят тўғрисидаги тезкор маълумотлар билан ишлайдилар. Бундай улкан ҳажмдаги ахборот оқимини эскича, яъни анъанавий қоғозбозлик усулларида йиғиш, уларни архивлардан қидириш ва тўғри таҳлил қилиш ҳозирги замон тезлигида мутлақо имконсиздир. Айнан ИИО тизимида рақамлаштириш ходимларни ана шундай ортиқча маъмурий юклардан халос қилади ва тезкор ахборот алмашинувини таъминлайди.

Рақамлаштириш жараёни орқали тўпланадиган ана шундай улкан ҳажмдаги электрон маълумотлар базаси яратилгач, уларни инсон омили ета олмайдиган тезликда қайта ишлаш ва улардан тўғри хулосалар чиқариш эҳтиёжи туғилмоқда. Мана шу босқичда рақамлаштиришнинг мантиқий давоми сифатида ҳаётимизга “сунъий интеллект” технологиялари кириб келди.

Оддий қилиб айтганда, сунъий интеллект оддий компьютер ёки дастурларнинг худди инсон каби фикрлаши, хулоса чиқариши, янги билимларни ўрганиши, муаммоларни ҳал қилиши, одамлар нутқини ва атроф-муҳитни тушунишидир. Бугунги кунда ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳасида сунъий интеллект технологиялари жуда кенг қўлланилмоқда. Масалан, улар хавфсизлик камералари орқали жиноят содир этган шахсларни юзидан таниб олишда, ҳужжатларни автоматик равишда текширишда, катта маълумотларни

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги “Рақамли Ўзбекистон — 2030 стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6079-сон Фармони. URL: <https://lex.uz/docs/5030957>

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони. URL: <https://lex.uz/docs/5841063>

⁵ Шарипов Ш.И. Рақамли иқтисодиёт шароитида давлат бошқарувини такомиллаштириш масалалари: Монография. – Тошкент: ТДЮУ, 2021. – 218 б.

таҳлил қилиш ва ҳатто қаерда жиноят содир этилиши мумкинлигини олдиндан тахмин (прогноз) қилишда яқиндан ёрдам бермоқда⁶.

Бу технологияни янада осонроқ тушуниш учун унинг асосий иккита турини фарқлаб олиш лозим:

биринчи тур торайтирилган (ёки кучсиз) сунъий интеллект (Narrow AI) тизими фақат битта муайян вазифани бажаришга мослашган бўлади. Масалан, фақат телефондаги юзни танийди ёки фақат машина рақамларини аниқлайди, бошқа иш қўлидан келмайди;

иккинчи тур умумий сунъий интеллект (General AI) бўлиб худди инсон каби ҳар томонлама фикрлай оладиган, бир вақтнинг ўзинда юзлаб турли хил вазифаларни бажарадиган мукамал тизимдир. Аммо бу тур ҳали дунёда тўлиқ яратилмаган.

Шу сабабли, ҳозирги кунда ички ишлар органлари фаолиятида асосан биринчи турдаги, яъни муайян бир вазифага ихтисослашган сунъий интеллект технологияларидан фойдаланилмоқда.

Компьютерлар “ақли” бўлиши ва ички ишлар тизимидаги ахборот-таҳлил ишларига кўмаклашиши учун у қўидаги тўртта асосий қисмдан (компонентдан) ташкил топади:

машинавий ўрганиш (Machine Learning) дастурнинг худди ёш боладек ўз хатолари ва берилган маълумотлар (тажриба) асосида мустақил равишда ўқиб-ўрганиб бориши;

чуқур ўрганиш (Deep Learning) инсон миясига ўхшаш сунъий тармоқлар ёрдамида жуда мураккаб ва чалкаш маълумотларни ҳам осонгина таҳлил қилиш.

табiiй тилни қайта ишлаш (Natural Language Processing) компьютернинг инсон овозли нутқини ёки ёзган матнларини тушуниши ва унга жавоб қайтара олиши.

компьютер нигоҳи (Computer Vision) камералар орқали сурат ва видеолардаги одамларни, машиналарни ёки бошқа объектларни таниб олиш усули.

Мана шу компонентларнинг барчаси бирлашиб, ички ишлар органларининг ахборот-таҳлил тизимларида муҳим вазифаларни бажаришга хизмат қилади.

Илмий доираларда ҳам бу технологияларнинг ўрни юқори баҳоланмоқда. Хусусан, Б.Х. Каримовнинг таъкидлашича, жиноятчиликка қарши курашда ахборот технологияларидан фойдаланиш нафақат ишларнинг тезкорлик билан бажарилишини, балки олиб бориладиган таҳлилларнинг ўта аниқ бўлишини ҳам таъминлайди⁷.

Амалиётда сунъий интеллект тизимлари илгари содир этилган минглаб жиноятлар ҳақидаги маълумотларни бир сонияда кўриб чиқиб, электрон “геоинформацион харитасини” чизиб бера олади. У қайси ҳудудда, қайси вақтда қандай жиноятлар кўп содир бўлаётганини ва хавф юқори бўлган нуқталарни аниқ белгилаб беради. Бу эса ички ишлар органлари раҳбариятига мавжуд куч ва воситаларни (масалан, патруль йўналишларини) тўғри ва мақсадли тақсимлашда энг ишончли кўмакчи бўлиб хизмат қилади.

Ички ишлар органларида ахборот-таҳлил фаолиятини ташкил этишнинг бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлган иккита асосий қисми мавжуд бўлиб, биринчиси ахборот таъминоти бўлиб, у ахборотга бўлган талабни ўрганиш, маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш, сақлаш ва энг қисқа вақт ичида керакли жойга тарқатишни

⁶ Mizokami S., Yamaguchi T. Artificial Intelligence in Law Enforcement: Perspectives and Challenges // Journal of Police Sciences. – 2022. – Vol. 14. – No. 2. – P. 45–67.

⁷ Каримов Б.Х. Жиноятчиликка қарши курашда ахборот технологияларидан фойдаланиш: назария ва амалиёт. – Тошкент: ЎзМУ нашриёти, 2020. – 184 б.

англатади. Иккинчиси эса таҳлилий таъминот бўлиб, у жинойт хавф-хатарларни ўрганиш, вазиятнинг келиб чиқишига сабаб бўлган шарт-шароитларни аниқлаш, унинг ривожланишини олдиндан башорат қилиш ҳамда жамиятда қонунийликни таъминлашдаги муаммоларни таҳлил қилишдан иборатдир⁸.

Юқорида тилга олинган рақамлаштириш жараёни мана шу иккала компонентни ҳам сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқади. Европа Иттифоқи ҳуқуқни муҳофаза қилиш бўйича тадқиқот ташкилоти (CEPOL)нинг ҳисоботида таъкидланишича, катта ҳажмдаги маълумотларни рақамли таҳлил қилиш (Big Data Analytics) ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига жинойтларни аниқлаш самарадорлигини 40 фоизгача ошириш имконини беради⁹. Бу рақамлар замонавий технологияларнинг амалий фойдасини яққол кўрсатиб турибди.

Албатта, тизимни рақамлаштириш фақатгина техник янгиланишлардан иборат эмас, балки у ўзи билан бирга жиддий ҳуқуқий масалаларни ҳам олиб келади. А.Т. Мирзаев ўз тадқиқотларида ушбу жараённинг ҳуқуқий жиҳатларига алоҳида эътибор қаратган. Хусусан, фуқароларнинг шахсий маълумотларини ҳимоя қилиш, электрон базаларга бегона шахсларнинг рухсатсиз киришини олдини олиш ва компьютердан олинган маълумотларни судда далил сифатида қўллаш масалалари аниқ ҳуқуқий қоидаларни талаб қилади¹⁰. Тўғри, юртимизда қабул қилинган “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги ва “Давлат хизматлари тўғрисида”ги Қонунлар бу соҳада умумий замин яратган. Бироқ, ички ишлар органларининг кундалик тезкор фаолиятидаги ўзига хос хусусиятларни ҳисобга олувчи алоҳида ҳуқуқий нормаларни янада такомиллаштириш зарурати сезилмоқда.

Фикримизча, мана шундай ҳуқуқий асосларга таянган ҳолда, ички ишлар органларида ахборот-таҳлил фаолиятини рақамлаштириш асосан бешта муҳим йўналишда олиб борилади:

жинойтларнинг ҳисоби ва статистикасини тўлиқ автоматлаштириш (қоғоздан электрон тизимга ўтиш);

жинойт содир этилган жойларни геоинформацион харитада кўрсатувчи “crime mapping” тизимини кенг жорий этиш;

биометрик идентификация (юзни таниш, бармоқ изларини тезкор текшириш) имкониятларини кенгайтириш;

ходимларнинг кундалик ишини ва ижро интизомини электрон дастурлар орқали назорат қилиш;

тарқоқ ҳолдаги маълумот базаларини ягона ва яхлит тизимга бирлаштириб, улардан тезкор фойдаланишни таъминлаш.

Бундай прогностик таҳлил тизимлари ички ишлар органлари учун стратегик аҳамиятга эга ҳисобланади. Чунки улар жинойтнинг содир этилишини олдиндан

⁸ Исмаилов И. ва бошқалар. Ички ишлар органларида тезкор ахборот-таҳлил фаолияти тизими. Тошкент: ИИВ Академияси, 2019. – 320 б.

⁹ European Union Agency for Law Enforcement Training (CEPOL). Big Data Analytics in Law Enforcement. Budapest, 2021. – 112 p.

¹⁰ Мирзаев А.Т. Ички ишлар органларида рақамли технологияларни қўллашнинг ҳуқуқий масалалари. Ҳуқуқ ва жамият. – 2022. – № 3. – Б. 45–51.

башорат қилиш орқали, ҳали жиноят юз бермасдан туриб огоҳлантирувчи профилактик чораларни белгилашга ёрдам беради¹¹.

Дунёнинг ривожланган давлатлари тажрибаси ҳам шуни кўрсатадики, ахборот-таҳлил ишларига сунъий интеллектни интеграция қилиш ички ишлар органларининг кучини бир неча баробар оширади. Масалан, АҚШ полициясида қўлланилаётган “PredPol” дастури эски маълумотлар асосида жиноят содир этилиш хавфи юқори бўлган кўча ва маҳаллаларни олдиндан кўрсатиб беради. Буюк Британиянинг “National Data Analytics Solution” (NDAS) тизими эса жиноят тўғрисидаги маълумотларни “машинавий ўрганиш” алгоритмлари орқали чуқур таҳлил қилади. Шунингдек, Германия полицияси “Precobs” тизими ёрдамида ўғрилик ва мулкка қарши жиноятларни олдиндан башорат қилишда катта муваффақиятларга эришилмоқда¹².

Шу ўринда Interpol мутахассилари сунъий интеллект ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар учун жуда кучли қуролга айланаётганлигини, бироқ уни тўғри ва масъулият билан қўллаш учун мустақкам ахлоқий ва ҳуқуқий меъёрлар бўлиши шартлиги бўйича тавсияларни ишлаб чиққан¹³. Бу тавсиялар ИИО тизимини рақамлаштириш жараёнида ҳам шошма-шошарлик билан эмас, балки аниқ методика ва ҳуқуқий асосда, босқичма-босқич олиб борилиши кераклигини англатади.

Хўш, бу амалий жиҳатлар ички ишлар органларига нима беради? Ҳар қандай ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органнинг асосий вазифаси жиноятларни аниқлаш, олдини олиш ва уларга чек қўйишдир. Жиноят содир этаётган ёки унга мойил бўлган шахслар ҳақида аниқ маълумотга эга бўлмасдан туриб, бу вазифани бажариш мутлақо имконсиздир. Мана шу нуқтаи назардан, рақамлаштириш ва сунъий интеллект ички ишлар органлари учун ҳаётий аҳамиятга эга. Зеро бугунги кунда жиноятчиликка қарши курашишда ахборот манбаларига бўлган талаблар кескин ортиб бормоқда ва бунда рақамли манбалар алоҳида муҳим ўрин тутмоқда.

Бироқ, ички ишлар органларида ахборот-таҳлил фаолиятини рақамлаштириш ўзига яраша мураккабликларга ҳам эга. Бу мураккаблик тизим олдида турган бир қатор муҳим вазифалар билан боғлиқ:

биринчидан, худуддаги оператив вазиятни ҳар куни мунтазам ўрганиш ва унга тўғри баҳо бериш шарт;

иккинчидан, рақамли фаолиятни ўз вақтида ва тўғри режалаштириш лозим;

учинчидан, оператив вазият ўзгариши билан тактик усулларни ҳам тезкорлик билан ўзгартириб бориш талаб этилади.

тўртинчидан, фан ва техниканинг энг сўнгги янгиликларидан кечикмай, унумли фойдаланиш зарур;

бешинчидан, бу соҳадаги илғор халқаро тажрибаларни тизимга фаол жорий этиш керак;

¹¹ Рашидова Д.Н. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда прогностик таҳлилнинг аҳамияти // Ахборотнома. ИИБ Академияси – 2021. – № 2. – Б. 28–34.

¹² Perry W. L., McInnis B., Price C. C., Smith S. C., Hollywood J. S. Predictive Policing: The Role of Crime Forecasting in Law Enforcement Operations. – Santa Monica: RAND Corporation, 2013. – 196 p.

¹³ Kaul R., Wright M. Responsible AI in Law Enforcement: Evaluating INTERPOL and UNICRI Frameworks for Global Policing // International Journal of Cyber Criminology. – 2024. – Vol. 18. – No. 1. – P. 88–104.

олтинчидан, ички ишлар органларининг бошқа бўлинмалари ва кенг жамоатчилик (маҳалла фаоллари) билан мустаҳкам ҳамкорликни йўлга қўйиш лозим.

Мамлакатимизда бу борадаги ишларни янги босқичга кўтариш мақсадида 2024 йил 14 октябрда Президентимиз томонидан “Сунъий интеллект технологияларини 2030 йилга қадар ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-358-сон қарори¹⁴ қабул қилинди. Мазкур қарор ички ишлар органларида сунъий интеллектни жорий этишнинг энг муҳим ҳуқуқий асоси бўлди. Қарорда сунъий интеллект технологияларини жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашда қўллаш устувор вазифа сифатида белгилаб берилди. Мазкур ҳуқуқий асос республикамизнинг барча ҳудудлари қаторида Тошкент вилояти ички ишлар органлари учун ҳам аниқ йўналиш ва вазифаларни белгилаб берди.

Айниқса, жиноятчиликнинг олдини олишда замонавий видеокузатув тизимларини сунъий интеллект алгоритмлари билан уйғунлаштириш (биргаликда ишлатиш) иш самарадорлигини сезиларли даражада оширади. Оддий видеокузатувни кузатиб ўтирган оператор чарчоқ ёки эътиборсизлик туфайли хатога йўл қўйиши мумкин. Аммо сунъий интеллект тизими чарчамайди, у 24 соат давомида қидирувдаги шахсларни юзидан танийди, шубҳали ҳаракатларни дарҳол пайқайди ва ходимларга тезкорлик билан огоҳлантириш (сигнал) юборади. Бу тизимни Тошкент вилоятида кенг жорий этиш оператив вазиятни ақлли бошқаришда янги имкониятлар эшигини очади.

Зеро, Тошкент вилояти Ўзбекистоннинг ҳудуди жиҳатидан ҳам, аҳолисининг сони ва зичлиги жиҳатидан ҳам энг йирик ва мураккаб ҳудудларидан бири ҳисобланади. Криминологик тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатадики, Тошкент вилоятида жиноятларнинг содир этилишида ўзига хос мавсумий ўзгаришлар, географик тарқалиш жойлари ва турлари бўйича аниқ қонуниятлар мавжуд¹⁵. Ушбу яширин қонуниятларни эскича усуллар билан аниқлаш жуда қийин ва кўп вақт талаб қилади, аммо замонавий рақамли таҳлил воситалари уларни бир зумда юзага чиқариб беради.

Бироқ, ушбу масъулиятли вазифаларни ҳозирги замонга мос равишда бажариш учун ахборот-таҳлил хизматлари энг замонавий рақамли технологиялар билан тўлиқ таъминланган бўлиши шарт. Электрон маълумотлар базасини хатосиз бошқариш ва уларни тизимлаштириш бутун ахборот-таҳлил фаолиятининг муваффақиятини белгиловчи асосий омил ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, Тошкент вилоятида ахборот-таҳлил фаолиятини рақамлаштириш бир қатор амалий муаммоларни тубдан ҳал қилишга хизмат қилади:

вилоятнинг 22 та шаҳар-туманларидаги жиний вазиятни ягона ва марказлашган электрон база орқали бошқариш имконияти яратилади;

ходимларнинг кундалик иш фаолияти ва ижро интизоми электрон кузатув дастурлари орқали кузатиб борилади;

жамоат тартибини сақлашда мавжуд куч ва воситаларни (ходимларни) энг керакли ва хавфли нуқталарга мақсадли йўналтириш имконияти пайдо бўлади.

¹⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 14 октябрдаги “Сунъий интеллект технологияларини 2030 йилга қадар ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-358-сон Қарори. URL: <https://lex.uz/docs/7158604>

¹⁵ Юсупов Б.С. Тошкент вилоятида жиний вазиятни башорат қилиш тизими: статистик таҳлил // Криминология. – 2022. – № 4. – Б. 18–25.

Айнан мана шундай кенг имкониятлар ва ҳудуднинг ўзига хос мураккаблиги Тошкент вилоятини ушбу тадқиқот иши учун намунавий амалиёт майдони сифатида танлаб олинишига асосий сабаб бўлди.

Умуман олганда, юқорида баён этилган барча фикрлар бизга “рақамлаштириш” ва “сунъий интеллект” технологияларининг ахборот-таҳлил фаолиятидаги мазмун-моҳиятини тўлиқ тушунишга имкон беради. Рақамлаштириш шунчаки техник янгилик эмас, балки ички ишлар органларида хизмат қилаётган ходимларнинг ишини замон талабига мослаштиришнинг стратегик ечимидир. Сунъий интеллект эса жинойий вазиятни башорат қилишда инсон ақлини кучайтирувчи энг яқин кўмакчи бўлади. Албатта, бу тизимлар мукамал ишлаши учун мустақкам қонунчилик, билимли кадрлар ва техник база керак бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Исмаилов И., Мухамедов Д.С., Азизов Э.У. Ички ишлар органларида бошқарув ва ахборот-таҳлил фаолияти асослари: дарслик. – Тошкент, 2019. 561 б.
2. Шарипов Ш.И. Рақамли иқтисодиёт шароитида давлат бошқарувини такомиллаштириш масалалари. – Тошкент: ТДЮИ, 2021. – 218 б.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги «Рақамли Ўзбекистон – 2030 стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чоратadbирлари тўғрисида»ги ПФ-6079-сон Фармони. URL: <https://lex.uz/docs/5030048>.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараqqиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сон Фармони. URL: <https://lex.uz/docs/5841063>.
5. Mizokami S., Yamaguchi T. Artificial Intelligence in Law Enforcement: Perspectives and Challenges // Journal of Police Sciences. – 2022. – Vol. 14. – No. 2. – P. 45–67.
6. Каримов Б.Х. Жиноятчиликка қарши курашда ахборот технологияларидан фойдаланиш: назария ва амалиёт. – Тошкент: ЎЗМУ нашриёти, 2020. – 184 б.
7. European Union Agency for Law Enforcement Training (CEPOL). Big Data Analytics in Law Enforcement. – Budapest, 2021. – 112 p.
8. Мирзаев А.Т. Ички ишлар органларида рақамли технологияларни қўллашнинг ҳуқуқий масалалари // Ҳуқуқ ва жамият. – 2022. – № 3. – Б. 45–51.
9. Рашидова Д.Н. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда прогностик таҳлилнинг аҳамияти // Академия ахборотномаси. – 2021. – № 2. – Б. 28–34.
10. Германия полицияси «Prcobs» тизимини қўллаш тажрибаси // Ички хавфсизлик технологиялари. – Берлин, 2020. – Б. 34–41.
11. Interpol. Artificial Intelligence in Law Enforcement: Guidelines and Recommendations. – Lyon: Interpol, 2023. – 96 p.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 14 октябрдаги «Сунъий интеллект технологияларини 2030 йилга қадар ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПҚ-358-сон Қарори. URL: <https://lex.uz>.
13. Холматов Д.Э. Жиноятчиликнинг олдини олишда видеокузатув тизимларидан фойдаланиш // Ҳуқуқ ва давлат. – 2023. – № 1. – Б. 67–73.
14. Юсупов Б.С. Тошкент вилоятида жинойий вазиятни башорат қилиш тизими: статистик таҳлил // Криминология. – 2022. – № 4. – Б. 18–25.